



Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь оидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

«Алпомиш»ни йўлга солган тадбиркор.

Муҳаббатнинг озори шунчми?

3

Қонунбузарларнинг югургани... чегарагача!

Фанимат экансиз, Фароғат момо

4

Улоқчи чавандоз "таассуроти"

"Ойдинда ётганинг қани, оқ илон?.."

Тошкент вилояти



САЙЛОВГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҚДИМОТИ

Сайловнинг дунёдаги барча мамлакатлар учун умумий, айни чоғда ҳар бир давлатга хос ва мос мезонлари мавжуд. Сайловчиларнинг сайлов ҳуқуқи маданиятини шакллантириш бу борадаги билимларни кенг тарғиб этишдан иборат.

«Сайлов—2004» рукнида чоп этилган рисолалар туркуми (15 та рисола) худди шу мақсадга, яъни сайловга оид билимни кенг китобхонлар омаси ва сайловчиларга содда ва жонли тилда тушунтиришга қаратилгандир.

Рисолалар туркумини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамкорликда нашрдан чиқарди.

Рисолаларнинг Тошкент Давлат юридик институтида ўтказилган тақдиротида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Ш.Қудратхўжаев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази директори А.Саидовлар ушбу рисолаларнинг сайлов кампанияси тарғиботида тунтадиган ўрни ва аҳамияти тўғрисида сўзлашди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларига бўладиган сайловларга ҳозирлик кўриши билан боғлиқ тадбирларда барча фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни қишлоқ ва маҳалла йиғинлари ҳам ташкилотчи сифатида қатнашмоқдалар.

СУРАТДА: Янгийўл шаҳридаги 201-сайлов участкаси комиссияси раиси Муқаддас Раимжоновна (чапдан биринчи), Муқимий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, комиссия аъзоси Дилором Рашидова (ўнгда), маҳалла фаоллари ва аъзолар Ольга Исаева ҳамда Хошим Тошметовлар.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Мустақил депутатлар институтини такомиллаштириш — мамлакатимизда замонавий профессионал парламентаризм ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Тошкентда ўтган «Ташаббускор гуруҳларнинг сайлов жараёни давридаги фаолияти» мавзусидаги халқаро семинарда шу ҳақда сўз юртилади.

Ушбу анжуман Ўзбекистон Миллий университети томонидан Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, Марказий сайлов комиссияси ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан биргаликда ташкил этилди. Семинарда халқаро ташкилотлар экспертлари, хорижий дипломатлар, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Қозғистон, Польша, Россия, АКШ, Франция, Жанубий Кореядан сайлов қонунчилиги бўйича мутахассислар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари етакчилари, фаоллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шaroитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 27-моддасидан

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ ВА САЙЛОВЛАР

2-саҳифага

ДЎСТЛИК ХИЁБОНИ

унда қад ростлаган Махтумқули ҳайкали ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик -биродарлик рамзидир

Тарихи ва маданияти чамбарчас боғланган, тили ва дини бир бўлган ўзбек ва туркман халқлари мишг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келади. Истиқлолга эришгандан сўнг бу икки қардош халқ ўртасидаги оға-ини, биродарлик алоқалари янада мустаҳкамланди.

Хусусан, Ўзбекистон ва Туркманiston раҳбарлари ўртасида кейинги йилларда бир неча бор олий даражадаги учрашувлар ўтказилди. 1997 йилда Туркманiston Президенти Сапармурот Ниязовнинг юртимизга қилган ана шундай расмий ташрифи асносида Хива шаҳрида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулининг ҳайкали очилган эди. Бугун ушбу ҳайкал ўзбек ва туркман халқлари дўстлигининг рамзи бўлиб турибди.

...Хар гал Махтумқули ҳайкали ўрнатилган хиббон ёнидан ўтаётиб умр, ҳаёт, турмуш ташвишларию кувончлари ҳақида хаблларга берилмаган. Шу пайт қутилмаган мўъжиза рўй беради: кулогим

остида ҳали мен англаб етмаган ҳақиқатлар баралла эшитила бошлайди: ...Қаноатда, иззатда тут ўзингни, Таъма қилиб сарғайтирма юзингни. Ҳар номарда равзо кўрма сўзингни, Сўзингни биринчи йиққанча бўлас... Ҳа, бу зот шарафига бунёд этилган ҳайкал ва унинг атрофида ташкил этилган хиббон икки халқ дўстлигининг рамзи, маънавияти, маданияти, тақдири туташ эканлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Бу дўстлик хиббони қадим Хива кўрқига кўрк кўшди. Ҳайкалнинг республикаимиздаги энг кўна билим маскани — педагогика касб-хунара коллежи биноси

олдида қад ростланганлигининг ўзида ажиб ҳикмат бор. Хивага 47 йил хонлик қилган шоҳ ва шоир Муҳаммад Раҳим-хон Феруз мангу макон топган Сайид Рўзи Моҳи Жаҳон макбараси ҳам билим даргоҳи билан ёнма-ён жойлашган. Уртада Махтумқули ҳайкали қад ростлагани эса нур устига аъло нур бўлди. Улуғ зотлар ўзларидан ажойиб боғ-роғлар қолдирганлар, юртининг кўркям бўлиши йўлида фидойилик қилишган. Шу улуг инсонлар руҳини шод қилиш мақсадида бу ерда ажойиб боғ ташкил қилинди. Боққа Хоразм воҳасининг шаҳар-қишлоқларидан ва Туркманистондан беш мингдан ортиқ мевали, манзарали даррақ кўчатлари, гуллар келтириб қўшилди. Бу ҳайрли ишларда икки қадимий халқлар фарзандлари ҳам бевосита қатнашдилар. Кенгайиб, тобора фойзиеб бўлиб бораётган бу хиббон ва боғ ўзига хос дўстлик, меҳр-оқибат гўшаси ҳамдир. Айни пайтда хиббонга туташ яна бир кўна табаруқ

Хоразм вилояти

маскан — Маъмур Академиясининг минг йиллигини халқро микёсда кенг нишонлашга тарадду қурилатганлиги ҳам Махтумқули орзу-умидлари рўёбидан далолат. ...Ҳайкал пойида фаввораларнинг зилол сувлари тўқинланади, айниқса, оқшом чоғида ёрқин чироклар оғушида шоир ҳайкали янада салобат билан кўзга ташланади. Бу ерда дўстлик кечалари, соз-суҳбат, мушоиралар ўтказиш одат тусига кирган. Шунингдек, ёшлар «Бахт уйи»дан чиқиб яхши ниятлар билан Махтумқули ҳайкали пойига гулчамбарлар қўядилар. Келин-куёвлар гўё улуг шоирдан оқ фотиҳа олиб, тинчлик, дўстликни қадрлашга, бир умр кўша қариб, улуг ишлар бошида туришга аҳду паймон қиладилар.

Жорий йилнинг 19 ноябрь кунлари Ўзбекистон ва Туркманiston — икки қардош мамлакат раҳбарлари Бухорои шарифда учрашдилар. Олий даражадаги бу учрашув Ўзбекистон ва Туркманistonнинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари муштарак эканлигини кўрсатди.

Абдулла САФОВЕВ, «Mahalla» муҳбири.

"Mahalla" хабарлари

Қорақалпоғистон Республикаси

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ТАДБИРКОРЛИК

Яқинда Нукус шаҳрида «Маҳалла: тадбиркорликни ривожлантириш ва атроф-муҳит муҳофазаси» мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Унда «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмалари раислари, маҳалла оқсоқоллари, турли корхона ва ташкилотлар мавсуа ходимлари иштирок этди.

Семинарда сўзга чиққанлар тадбиркорлик ва атроф муҳитни ҳимоя қилишга оид қонунчилик асослари, маҳаллаларда тадбиркорлик имкониятлари ва экология муҳофазаси, кичик бизнес вакиллари солиққа тортиш, кредитлар, лизинг, грантлар, маҳаллаларни обodonлаштириш имкониятлари каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви раиси ўринбосари Неймат Абдуллаев ва Қорақалпоғистон Республикаси Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси Республика бўлими раиси ўринбой Мадийрлар қатнашди.

Собир ҚОЗОКОВ, «Mahalla» муҳбири.

Қашқадарё вилояти

МАҲАЛЛА ВА ҚОНУНЧИЛИК

Вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан Қарши туманида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Меҳр ва муруват йили» дастури талабларининг бажарилиши ҳамда жорий йилнинг 26 декабрь кун Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ишлар муҳофазатига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Тадбирда «Маҳалла» жамғармаси туман ва шаҳар бўлинмалари раислари, қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Семинар кун тартибига ўтган йил охирида фуқаролар йиғинлари ва бўлиб ўтган сайловлардан кейинги даврда ўзини ўзи бошқариш тизимидagi ютуқ ва камчиликлар, маҳаллаларда сайловолди тадбирларнинг ўтказилиши билан боғлиқ масалалар қўйилди. Шунингдек, йиғилишда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, хусусан, яқинда иш бошлаган диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолиятига доир ҳужжатлар тўпламлари тарқатилди.

Бундай кўча семинарлар Қосон, Муборак, Ғузор туманларида ҳам ўтказилди.

МУҲБИРИМИЗ.

ФАҲРИЙЛАР ФАОЛ БЎЛСА...

Яқинда Яккабоғ тумани марказидаги «Оталар чойхонаси»да «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан «Оқсоқоллар, бир пиёла чой устида» тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирга меҳнат фахрийлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг вакиллари, фаоллари тақлиф этилди. Йиғилишда туман ҳокими Э.Рўзиев иштирок этди. Тадбирда яқинда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига бўладиган сайловларга тайёргарлик ишларида оқсоқолларнинг иштироки ҳақида алоҳида сўз юритилди.

Йиғилишда иштирок этган вилоят ва туманининг фахрий раҳбарлари тадбирнинг яхши тайёрланганлиги ва шундай учрашувларни кўпроқ ўтказилиши мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этдилар.

Бу каби тадбири биринчи марта ўтказмоқдамиз. Келгусида икки ойда бир марта туманларимизнинг ҳар бирида ташкил этишни режалаштирдик, — деди «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Абдували Сафаров.

К.ҲАМИДОВ, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими ходими.



«Обуна — 2005»

«Mahalla» газетаси — ҳар бир фуқаролар йиғинининг энг яқин, энг мақбул дастёри. Буни бугун йиғинларнинг ҳар бир фаоли эътироф этади. Шундай экан, «Mahalla»га обуна бўлишни асло пайсалга солманг, азиз муштарий!

Mahalla



— Яна нима дейди? — Боксчимиз ва шахматчимиз яна голиб, — дейди.

Юртимиз спортни доғруву

РУСТАМ ВА РУСЛАН

ЯНА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИЛАР

Профессионал бокс

Шахмат

Жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов 20-21 ноябрь кунлари Испаниянинг Бенидорм шаҳрида тезкор шахмат бўйича ўтказилган халқаро турнирда ажойиб ўйин намойиш қилиб, яна бир бор муҳим мутахассислар эътиборини ўзига қаратди.

Ўзбек халқаро гроссмейстери эллик икки нафар шахматчи қатнашган нуфузли халқаро турнирда етти партиянинг олтиасида ғалаба қозонди ва бир учрашувни дуранг билан якунлади. Етти имкониятдан 6,5 очко жамғариб, биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинги ўринлар кубали Гарсия Перес ҳамда Аргентина вакили Клаудио Минцерга насиб қилди.

Ҳозир ўзбек шахматчиси ФИДЕ рейтингинда энг юқори погонани эгаллаб турган таниқли шахматчи Гарри Каспаров (Россия) билан келаси йилнинг бошида Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида бўладиган муҳим ўйинга ҳозирлик кўрмоқда.

Профессионал бокс бўйича юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган ўта оғир вазни чарм қўлқоп устаси — Руслан Чагаев навбатдаги ғалабасини нишонлади.

Германиянинг Куксхаевен шаҳрида ташкил этилган бу галги жангда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси Хорватия вакили Асмир Войнович билан куч синашди. Беллашувда Русланинг аниқ ва кучли зарбалари хорватиялик боксчини анча қийин аҳволга солиб қўйди. Оқибатда Асмир Войновичнинг мураббийлари тўртинчи раундда рингга оқ сочик ташлаб, ўз шогирдининг мағлубиятини эътироф этишди.

Профессионал рингдаги дастлабки жангини 1997 йилнинг 21 августда ўтказган Руслан Чагаев бугунги кунда кам сонли энгилмас профессионал боксчилардан ҳисобланади. У ўн беш жангдан ўн тўрттасини ўз фойдасига ҳал қилган, бир учрашувда дуранг натижа қайд этилган, ўн икки жангини мuddатидан олдин якунлаган.

Зоҳир ТОШХЎҲАЕВ, ЎзА шарҳловчиси

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА 2005 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА «Mahalla»СИЗ ҚОЛМАНГИ!

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи: 148. Тел/Факс: — 133-44-25. Кабулхона — 136-53-93. Матбуот тарқатувчи хиссасдорлик жамияти. Масъул котиб: 136-53-75. Хатлар бўлими: 136-57-62.

«Mahalla» — белгисиз остида реклама-тижорат мақолалари берилмади. Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви. «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.



УКРАИНА: ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

31 октябр кунин Украинада президент сайлови бўлиб ўтган, лекин номзодлардан бирортаси 50 фоиздан кўп овоз тўплай олмаган эди. Кейинги босқичга мамлакатнинг амалдаги ва собиқ бош вазирлари — Виктор Янукович ва Виктор Ющенконинг номзодлари қолганди.

Якшанба кунин сайловнинг иккинчи босқичи ўтказилди. Номзодларнинг имкониятлари деярли тенг бўлгани учун Украинадаги овоз бериш жараёни катта қизиқиш билан кузатиб борилди. Сайловда турли халқро ташкилотлар ва МДХ мамлакатларидан вакиллар кузатувчи сифатида қатнашди.

ПАТА-ТАСС хабарида айтилишича, сайловда амалдаги бош вазир В.Янукович галаба қозongan. Унга сайловда қатнашганларнинг 49,42 фоизи овоз берган. В.Ющенко эса 46,70 фоиз овоз олган.

Натижадан қоникмаган В.Ющенко тарафдорлари пойтахт Киевда норозилик намойишига чиқди. Улар дастлабки ҳисоб-китоблар нимаълум қилган марказий сайлов комиссиясига ишончсизлик билдирмоқда. Собиқ бош вазирнинг таъкидлашича, айрим ҳудудларда сайлов натижалари сохталаштирилган. Шу сабаб у Европарламентга, ЕХХТ ва ЕИ каби халқро ташкилотларга мурожаат этмоқчи.

Хабарларга кўра, сайлов якунлари ҳақидаги маълумотлар узoғи билан 15 кун ичида расман эълон қилинади.

Фарҳод УСМОНОВ, УзА шарҳловчиси

Жиззах вилояти

САЙЛОВ МОҲИЯТИ

уни фуқароларга тушунтиришда матбуотнинг ҳиссаси беқиёс

Вилоятимизда тузилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 4 та округ сайлов комиссияси тузилди.

Бўлажак сайловларда иштирок этиш учун 5 та сиёсий партия ҳамда 4 та сайловчилар ташаббускор гуруҳлари рўйхатга олинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари ҳудудида 437 та сайлов участкалари тузилган. Бу йил вилоят бўйича сайловда 501 минг 442 нафар фуқаро овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади. Халқ депутатлари вилоят кенгашига сайлов ўтказувчи 57 та округ сайлов комиссияси ҳамда халқ депутатлари туман ва шаҳар кенгашларига сайлов ўтказувчи 333 та сайлов комиссиялари тузилган.

Сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқдалар.

Вилоятда ташкил этилган Матбуот маркази бугунги кунда 20 дан зиёд оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилапти. Тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри ташкил этишда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб, журналистларнинг эркин ахборот олишларига имкон яратилган. Сайловнинг мазмун-моҳиятини ёритиш бўйича вилоятда фаолият кўрсатаётган газета таҳриратлари, телевидение ва радио тармоқларининг ижодий гуруҳлари-

Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни муҳим сиёсий сана Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўладиган сайловларга яқинлаштирмоқда. Бу тадбирда фуқароларнинг тўлиқ иштирокига эришиш учун сайловга ҳозирлик жараёнини, номзодлар ҳақида маълумотларни, умуман сайлов моҳиятини оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритишлиши муҳим аҳамиятга эга.

да тегишли қонун ҳужжатлари билан яхши таниш, сайлов саводхонлиги юқори бўлган тажрибали журналистлар ишламоқдалар.

Маҳаллий матбуотда, радио ва телевидениеда сайловлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, депутатликка номзодларнинг сайловда дастурлари билан таништириш мақсадида давра суҳбатлари, теледебатлар, сиёсатшунослар чиқишларига кенг ўрин берилмоқда.

Матбуот марказида тарғибот гуруҳи тузилиб, унинг таркибига тажрибали ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар, журналистлар жалб қилинган. Айниқса, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган ёш сайловчилар клуби фаолиятини ибратлидир. Бу клуб сайловда илк бор иштирок этаётган ёшларнинг парламент ва маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловлар ҳақида тўлақонли тасаввурга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда клуб ўз атрафига 350 дан зиёд ёшларни бirlаштирган.

Вилоятимиздаги 276 та ўзини ўзи бошқариш органлари бўлажак сайловлар муносабати билан ўз иш

режаларини белгилаб олганлар. Улар номзодлар кўрсатишда фаол иштирок этишди. Маҳалла йиғин-



лари ходимлари сайловлар ўтказиладиган жойларни танлашда, уларни жиҳозлашда яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Эркин ШЕРМОНОВ, Жиззах вилояти сайлов комиссияси Матбуот Маркази раҳбари.

Mahalla



— Яна нима дейди?
— Сайловларга роп-па-роса бир ой қолди,
— дейди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАРИ ВА САЙЛОВЛАР

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказининг тузилиши мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг ёрқин мисолларидан биридир. Бугун бу нуфузли ва малакали нодавлат нотижорат ташкилот сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари номзодларига сайловда дастурларини шакллантириш, сайлов кампаниясини ташкил этиш, сайлов командаси ва штабининг тузишда маслаҳатлар бермоқда ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатмоқда. Ҳозирги вақтда ташаббускор гуруҳлардан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларни кўрсатиш якунланди. Сайлов кампаниясининг ҳақиқий демократик асосда ўтказилиши мустақил номзодлар гуруҳини халқнинг энг муносиб вакиллари — малакали юристлар, жамоат арбоблари, тадбиркорлардан шакллантириш имконини берди. Эътиборли томонин шундаки, улар орасида хотин-қизлар ва ёшлар кўп.

Бугун Ўзбекистонда янги жамият қуриш жараёни давом этмоқда ва давлат бошқарувини демократлаштириш унинг асосидир, деб қайд этди БМТ Тарққиёт дастурининг доимий вакили, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси Фикрет Акчура. Демократия кейинги ўн йилликда дунё бўйича жамият ҳаётига кенг кириб бормоқда. Бирок унинг ягона модели йўқ. Ҳар бир жамият ўзига хос хусусиятларига эга. Шу сабаб у демократияни ўз анъаналари, удумлари ва шароитларига мувофиқ тарзда, шу билан бирга, умумий халқро тамойилларга таяниб шакллантиради. Жумладан, демократиянинг мажбурий жиҳатларидан бири қонун устуворлиги ва сайловлар воситасида фуқароларнинг давлат бошқарувида фаол иштирок этишидир.

Бу галги семинар доллар халқро тадбирлардан бири сифатида Ўзбекистонда бўлгуси сайловларнинг барча жиҳатларини ошқорла муҳомаа этиш имконини берди. Мен унда қатнашганимдан хурсандман, деди ЕХХТнинг Тошкентдаги маркази раҳбари Пэр Нурмарк. Тан олиш кераки, 1999 йилги сайловлардан буён Ўзбекистонда сайловларни демократлаштириш борасида катта қадамлар ташланди, тегишли қонунчилик такомиллаштирилди. ЕХХТ бундан кейин ҳам Ўзбекистонга бу жараёни ривожлантиришда зарур ёрдам кўрсатиш ва янги парламентнинг самарали ишлашига кўмаклашишга тайёр. ЕХХТ кузатувчиларининг чекланган миссияси биринчи декабрда Ўзбекистонга келади.

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистонда демократик ривожланиш борасида кўп ижобий ўзгаришлар рўй берди ва унинг тарихий қисмларидан бири — сайловларда ташаббускор гуруҳлардан депутатликка номзодларнинг иштирок этишидир, деб таъкидлади Миллий демократик институтнинг (АҚШ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси директори Ричард Глауб. Фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита иштирок этиши катта аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг сайловларда бевосита иштирокини кенгайтиришга бағишлаб ўтказилган мазкур семинар нафақат Ўзбекистон, балки унда қатнашган бошқа давлатлар вакиллари учун ҳам муҳимдир, деб қайд этди Буюк Британиядан келган эксперт Генри Платтер. Демократик асосда ташкил этилган сайловлар ислохотларни ривожлантириш йўлидаги муҳим қадамдир. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш билан боғлиқ барча муаммолар ошқорла муҳомаа қилинмоқда, барча ахборот очик ва транспарент ҳолда. Бўлиб ўтган мулоқот мамлакатингиз ва халқингизни яхшироқ тушуниш имконини берди. Энди мен ўзбек тилини ўрганишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Семинарда мутлақо янги, демократик асосда ташкил этилган сайлов кампаниясининг бориши ва хусусиятлари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан очик фикр-мулоҳазалар ва таклифлар билдирилди. Муҳомаа якунида халқро анжуман тавсиянома-си қабул қилинди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев сўзга чиқди.

Анна ИВАНОВА, УзА муҳбири.

ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ УЎҚЛАРИ

Жарқўрғон туманининг кейинги йилларда ҳар жабҳада илгарилан бораётгани, хусусан, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳаларида кўзага кўришга боғлиқ қатор муваффақиятлар, бир сўз билан айтганда тумани илгирлар сафига кўтарди. Аввалдан бу эришилган ютуқларда меҳнатсевар ва ташаббускор туман аҳлининг ҳиссаси катта. Уларнинг хизмати тўғрисида кейинги йилларда тумanning қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳияти анча юқорилади. Айниқса, пахта ва галла етиштиришда шартнома шартларининг ошиғи билан бажариб келинаётгани Жарқўрғонда истиқомат қилаётган аҳоли учун қўлайликлар яратишда, турмушини фаровон этишда кўз келаяпти.

Шунингдек, ҳудудда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ижобий силжишлар юз бераётганини эътироф этмасликнинг илоҳи йўқ. Айни пайтда Жарқўрғонда 7 та саноат корхоналари, 27 та курилиш ва савдо ташкилотлари ҳамда 1190 хўжалик юрutiвчи субъектлар фаолият кўрсатапти. Бу эса туманда ялпи ички маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатининг ўсишига, ташқи иқтисодий айланима маблагининг кўпайишига сабаб бўлаяпти. Бу борада ҳудудга жалб қилинаётган хоржий инвестицияларнинг фаолияти, айниқса муҳим ўрин эгаллайди. Бундан уч йил муқаддам ташкил этилган "Сурхонтекс" Ўзбекистон—Америка кўшма корхонасида айни пайтда 400 дан ортқ маҳаллий аҳоли меҳнат қилмоқда. Корхонада туман меҳнатқарори етиштирган ҳосил қайта ишланапти ва улардан бўз, чит каби бир неча турдаги газмоллар, калава ип тайёрланиб, хоржга экспорт қилинапти. Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигида ташкил этилган "Алпомииш" кўшма корхонасининг иш бошлаганига ҳам 4 йилдан ошди. Эркин Хожиев раҳбарлик қилиб келаятган

мазкур корхона 150 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга. Бу ерда ўтган йилда 956 тонна дон қайта ишланди ва ундан 518 тонна ун тайёрланди. Бу эса 2 млрд. 410 млн. 315 минг сўмлик ялпи даромадни ташкил этди. Жорий йилдаги кўрсаткичлар ҳам ёмон эмас. Йил бошидан буён 8 ой мобайнида меҳнат унумдорлиғи миқдори 2 млрд. 25 млн. 265 минг сўмдан иборат. Бунинг ҳисобидан корхона раҳбарияти ишчи ходимлар моддий аҳолини яхшилаш билан бирга, маҳалларда ободончилик ишларини амалга оширишга, ҳудуддаги эҳтиёжманд инсонларга меҳр-муруват кўрсатишга яқиндан кўмаклашмоқда. Дарвоқе, тумандаги 32-умумтаълим мактаби корхона оталиғида. Маскани таъмирлаш, жиҳозлаш ишлари "Алпомииш" ҳомийлиги билан амалга оширилаяпти. Шунингдек, мактабда таълим олаётган аёлчи ўқувчилар ҳамда моҳир ўқитувчи мураббийлар ҳар чоракда ўшбу корхона томонидан моддий рағбатлантириб келинмоқда. Айтиш жоизки, Жарқўрғонда яқин йилларда яна бир янги корхона ишга тушади.

Бу ерда жаҳон бозорида юқори баҳоланадиган "қора олтин" — нефть

қайта ишланади. — Сурхон воҳасида табиий бойликлар захиралари кўп, — дейди Жарқўрғон нефть конлари бошқармаси бошлиғи Турсун Рўзиев. — Ҳозиргача вилоят бўйича 8 та кондан нефть қазиб олинапти. Яқинда Бойсун тумани ҳудудида ҳам 2 та кудуқ пармаланди. Улардан юқори босимдаги табиий газ отилиб чиқди. Ер ости бойликларини қайта тозалаш эса муаммо туғдиради. Шу боис, Жарқўрғонда табиий хом ашёни қайта ишловчи корхона очигиа киришдик.

Дарҳақиқат, Турсун Рўзиев ўшбу заруратдан келиб чиқиб, туман ҳокими Норбой Шомуратов билан келишган ҳолда Жарқўрғонда нефтьни қайта ишловчи кўшма корхона ташкил қилиш ташаббусини олға сурди. Ҳозирда Россияда корхона учун ускуналар ҳозирланмоқда. Яқин йиллар ичида ўшбу корхонанинг ишга туширилиши натижасида 35-40 нафар маҳаллий аҳоли учун янги иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилган.

Айни пайтда Т.Рўзиев бошчилик қилаётган бошқарма 5 та маҳаллани оталиққа олган. Шу билан бирга 11 та кам таъминланган оилаларга ҳам бошқарма томонидан моддий ёрдам бериб келинапти.

Энг эътиборли жиҳати эса янгидан барпо этилган корхоналар Жарқўрғоннинг иқтисодий салоҳияти юксалишига, ишсизлар сонининг кескин камайишига олиб келди. Уйлашимча, бу Меҳр ва муруват йилдаги, қолаверса, фаровон келажак бунёд этишдаги муҳим одимлардан биридир.

Омон ШУКУРОВ, "Mahalla" муҳбири.

Инсон, оила ва ахлоқ...

ОИЛА КИЧИК МАМЛАКАТ

уни идора қилишда эр-хотиннинг ҳамжиҳатлиги керак

Ҳар бир оқил инсоннинг муқаддас вазифаси, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар устириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол, Ватанга садоқат руҳида вояга етказишдан иборатдир. Ота-она борки, фарзандининг камолини кўрсат, деб орзу қилади. Бу орзунинг рўйбега чиқишида оиладаги муҳит, айниқса, онанинг фарзанд тарбиясидаги ўрни муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Табиийки, оилада эру-хотин ўртасида келишмовчиликлар, зиддиятлар каби турли нохуш ҳолатлар содир бўлиб туради. Бу ҳолатлар фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Шу ўринда аввало аёл киши, яъни она сабр билан оқилана иш юритса, бу салбий таъсир анча камайиши мумкин. Оила аъзоларининг, айниқса, эркакнинг аёл кишига нисбатан ҳурмат сақлашлари ҳам фарзандлар тарбиясида жуда муҳимдир. Оилада онага, аёлга ота-боболаримиз ҳам алоҳида муносабатда бўлиб келганлар. Тарихдан маълумки, бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур оила мустақамлиги, фарзандлар тарбиясига давлат масалалари дараҳасида ёндашганлар. У эот эркакларнинг хотин-қизларга нафақат ёмон муносабатда бўлишини, ҳаттоки, давраларда аёл эоти тўғрисида ёмон сўзлар сўзлашгани ҳам таъкидлаган эканлар.

Оилани идора қилиш кичик бир мамлакатни идора қилишдек масъулиятли вази-фадир. Замонамиз оилада аёл, яъни она зиммасига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ масъулият юклатмоқда. Онанинг дунёқарашини кенг бўлмаса, бола тарбиясида анча қийинчиликларга учраши аниқ. Аслида бугун барчамиздан кенг дунёқараш, юксак тафаккур ва ёрқин зеҳн талаб қилинади. Аёлларимиз, оналар келажак авлодлар тарбиясида эканлар, айниқса, улар бу талабларга ҳозиржаваоб бўлишлари жоиз. Шунинг учун ҳам "қизлар ўқишлари шарт эмас, уй-рўзгор юмушлари-

Мухаббат — бир умрлик савдо. Шу боисдан унга сира енгил-елпи қараб бўлмайди. У соф бўлса, қанчалик чуқур илдиз отса, шунчалик камол топади. Атрофга бир назар таштайлик. Кўша

қариган, пиру бадавлат, ували-жували, бахти баркамол оилалар оми? Юзлаб, минглаб топилади бундай оилалар. Бунинг боиси аввало



турмуш қурмаган қизларга уйланишди. Ана ўша бошқалар бахтини ўғирлаган қизлар, жу-вонлар "Тўхта, шунча йиллик турмушининг қадрига етмаган, бола-чақасини қон қақшатган одам менга вафо қилармиди?", деб ўйлашмайди ҳам...

...Олий ўқув юртиларидан бирида таълим олиб юрган Даврон савдо тармоқларидан бирида ишлайдиган ўзидан ёши анчагина катта жувон билан "дон олишиб" юрди. Хашаматли ховли-жой, тағида машинаси, егани олдиди, емагани кетида. Кийинтиришдан ташқари вақ-

ти-вакти билан чўнтағига чойчақа ҳам солиб қўйди хотин. Ҳар таътилда уйига борганида ота-она "Елғиз фарзандимизсан, тезроқ уйланишинг керак. Сен қаторилар икки-уч фарзандли бўлишган. Бизларнинг ҳам бошқалардек орзу-ҳавас кўргимиз келади" дейишганда йигит ичдан зил кетади-ю, шаҳардаги аҳоли, яқиндагина қизча кўрганилигини айта олмайди. Қандай айтсин ахир?! "Ақли хушинг жойидами, ўзингдан шунча ёш катта, болани жувонга уйланасанми", деб бошида ёнғоқ чақишадикун! Хуллас, тоқати тоқ бўлган ота-она Даврон учинчи курсни туғатган, уни кўрда-қўймай ҳам-қишлоқ бир қизга уйлантиришди. Бир йил ўтар-ўтмас оилада фарзанд туғилди. Икки хотин, икки фарзанд...

Даврон ўқиши тугагач, "Шаҳарга ишга олиб қилишди", деб қишлоққа қайтмади. Ойини этак билан яшириб бўлармиди, охири сир очилди. Суяғи қақшаган ота-она ҳар томонга зир-зир югуришди. Шаҳарлик танноз "Уламан Саттор, эримни бермайми. Даврон аввал менга уйланган", деб бошини урмаган жойи, бормаган макони қолмади. Нафсонияти озор етган кичик хотин кўч-кўронини кўтариб, қон қақшаб уйдан чиқиб кетишга мажбур бўлди...

Нега баъзилар бунчалик ноинсоф, худбин, мешчан бўлиб кетишмоқда? Ақли тўнтоқ айрим йигит-қизлар меҳнатдан қочиб тайёрга айёр бўлаётганлар. Бойлик кетидан қувиб, йигитлик, оналик шаънига доғ тушираётганлар. Бу қандай гап? Қизлар: "Машинаси, участкаси

МУҲАББАТ

Уларнинг ҳар бири ўз нури, ўз

шундаки, улар соф муҳаббат замирида қурилган. Шундай экан, биз аввало сеvgи баён этган, тақдиримизни тақдир билан боғлайдиган кишини яхши билмоғимиз зарур. У муҳаббатимизни қадрлай оладими? Оғир кунларда уни авайлаб-асрашга қодирми? Баъзилар бу муҳим омилларга эътибор бермайдилар. Бир кўришда ошиқ бўлиб, тезроқ турмуш қуришга шошиладилар. Кўп ўтмай "Характеримиз тўғри келмади", деб ахрелиб кетадилар.

Афсуски, ҳурмат-эҳтиромсиз ва беқарор сеvgи ҳам кўпгаб дуч келамиз. Бундай муҳаббат ҳали ҳаётни яхши билмаган, турмушининг аччиқ-чучуғини татимаган ёшлардагина эмас, балки кўпчи кўрган, оқдан қорани яхши ажрата биладиган кишилар ўртасида ҳам содир бўлаётгани афсусланарли.

Яқинда эски бир танишимни учратиб қолдим. Унинг ҳасратидан "чанг" чиқди дастлаб. Нима эмиш, хотини касалманд бўлиб қолганмиш. "Иссиқ жонинг иситмаси бўлади, кўрсат, даволат, бизда тиббиёт нималарга қодир эмас", деб маслаҳат берган бўлдим. "Маслаҳатинг ўзинга сийлов, аллақачон мана бундоғини (у бош бармоғини тик қилиб кўрсатди), ёшини, сарвкоматини топиб олдим", деди.

Ана ҳолос?! Наҳотки, не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган хотининг соғлиғида кера-ғу, хасталикка чалинганда "қочар жойинг сомонхона" бўлиб қолса?! Қани виждон, ор-номус? Шундай бевафоларга дарҳол янги хотин ҳам тайёр туради. Боз устига баъзилари ҳали

Б.АЙТБАЕВА, Коминех тумани ФХДБ бўлими мудираси.

